ИННОВАЦИОН “KLASTER MOBILE” ИЛОВАСИ

Ғ. И. Мухамедов
Тошкент вилояти Чирчиқ Давлат педагогика институти ректори

Б. А. Ахмедов
Тошкент вилояти Чирчиқ Давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада таълим сифатини оширишда инновацион дастурий воситаларнининг, хозирги кундаги ўрни, уларни ишлатиш, таълим самарадорлигини оширишда янгича замонавий технологик усул ва воситалар ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: таълим, фан, технология, кластер, инновация, мобил илова, планшет, гаджет, билим, кўникма, малака, педагогик технология, муаммоларни аниқлаш, мактаб лабораторияси.

INNOVATIVE MOBILE APPLICATION “MOBILE CLUSTER”

G. I. Mukhamedov
Rector of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

B. A. Axmedov
Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

This article discusses innovative technologies, the current role of modern software in improving the quality of education, and the use of modern technological methods and skills to improve learning**.**

Keywords: education, science, technology, cluster, innovation, mobile application, tablet, gadget, knowledge, skills, qualifications, pedagogical technologies, identification of problems, school laboratory.

КИРИШ

Таълим кластерини жорий этиш маълум бир таълим соҳасидаги (ҳудудий, функционал) минтақавий бизнес лойиҳаларида, янги технологияларни ишлаб чиқишда фундаментал ишланмалар ва замонавий тизимларни бирлаштириш зарурияти билан боғлиқ. Таълим хизматларини кўрсатувчи иш берувчига - таълим кластери - устувор йўналишларни аниқлашга имкон берадиган, илғор

тажрибага асосланган ва амалий малака талабларига эга бўлган кадрларни етказиб беришни назарда тутади.

Шиддат билан ривожланаётган бугунги даврда фақат ва фақат, янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлатгина кўзланган мақсадга эришади. Таълимни ривожлантириш, самарадорлигини ва сифатини ошириш тенденцияларидан бири – бу таълим тизимида кластер усул ва воситаларини шакллантириш тамойилларидир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Кластерларни шакллантиришдан мақсад – бу жамоат, вилоят, республика миқиёсида жойлашган бир ҳил соҳа ташкилотларини ва улар билан умумий ягона занжирда бўлган ахборот-коммуникацион занжирда бўлган таълим, илмий, инжиниринг, консалтинг, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва бошқа хизматларни уйғуунлаштириш – инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида рақобатбардош товарлар ва хизматлар яратишга йўналтиришдан иборатдир.

Бугунги кунга келиб инновацион кластер – фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси мезони экани аён бўлиб қолди.

Замонавий таълим кластерининг тузилиши, асосан бир нечта бир-бирига боғлиқ қисмлардан иборат: махсус ресурслар, махсус хизматлар, боғлиқ йўналишлар, истеъмолчилар ва албатта маҳсулот. *Таълим технологиялари, ўқув воситалари, АКТ* лари замонавий таълим кластерини тузишда асосий устунларидан бири ҳисобланади.

НАТИЖАЛАР

Мобил телефонлар инсон ҳаётининг деярли барча соҳаларига кириб келди. Илгарилари китоблар, дафтарлар, қалам, қоғоз ва ақлга эгалик қилишнинг ўзи кифоя қилса, бугунги кунда замонавий жамиятнинг рақобат муҳитида, ўқувчилар кўпроқ замонавий ахборот технологияларига мухтож. Планшетлар, инновацион технологиялар ва компьтер дастурлари таълимга бўладиган ёндашувни ва умуман олганда таълим тизимига кучли таъсир кўрсатиши бугунги кунда аниқ бўлиб қолди.

Деярли ҳар бир фойдаланувчида, ҳам катталарда, ҳам ёшларда, смартфон ёки замонавий мобил воситаси мавжуддир. Афсуски ўқувчи ёшларнинг аксарияти, куннинг кўп қисмини смартфон билан ўтқазади. Бироқ, ҳақиқатан ҳам, сифатли билимга эга бўлишни истаган ўқувчи ёшлар, инновацион қурилмалардан ўринли фойдаланиши, мақсадга эришиштирувчи омил

ҳисобланади. Бунинг учун ўқувчининг ўз хоҳиши ва баъзи ҳолларда мустаҳкам иродаси бўлиши керак.

Буюк Британия, АҚШ ва Австралия мамлакатлари тадқиқотчи олимларининг статистик маълумотларига кўра: 2009 йилда ёшлар орасида смартфон гаджетини ишлатиш 10% ни ташкил этган, 2020 йилга келиб бу кўрсатгич 74% ни ташкил этган.

Айнан шундан келиб чиқиб, бу тенденциядан самарали фойдаланиш учун замонавий, инновацион *Klaster Mobile* дастурий воситасини ишлатиш, жамият ёш авлодининг вақтини самарали ўтқазиш учун, ўрта-таълим ўқувчиларини ёшлигидан фундаментал тўғри тақсимланишига кўмаклашади.

Klaster Mobile иловаси асосий 6-бўлимдан иборат бўлиб:

- "*Sayt yangiliklari*" – ОТМ расмий сайтида жойлаштирилган янгиликлар, олийгоҳдаги янги лойиҳалар, қарор ва маълумотлар, ОТМ тузилиши (факультет ва кафедралар), раҳбарият ва хизмат кўрсатувчи бўлимлар, таълим йўналишлари(ихтисосликлар, докторантура, магистратура, бакалавр, иккинчи олий таълим, сиртқи, махсус сиртқи ва х.к.) ҳақида батафсил маълумот олса бўлади.
- "*Ta'lim yangiliklari*" – Республика ва Жаҳон таълимига оид маълумот ва янгиликлар, ОТМларнинг рейтинги, кириш баллари, квоталари, фан олимпиадалари ҳақида маълумотлар, қолаверса Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги интернет портали (http://www.edu.uz/) даги маълумотларни, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги интернет сайти (https://uzedu.uz) даги маълумотларни олиши мумкин бўлади. Ундан ташқари халқаро *Scopus* олимлар интернет портали (илмий ишларда чоп этилган мақолаларни кузатиш воситаси) даги янги маълумот ва нашрлар ҳақида маълумотга эга бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълимга оид янги қарор ва буйруқларини кўриши ва улар билан танишиш имконини беради.
- *"Test online"*- асосий бўлимлардан бири бўлиб, фойдаланувчига математика, физика, информатика ва мутахассислик фанларидан тестлар тақдим этади. Бу бўлимда нафақат абитуриент балки, ОТМ талабалари ва профессор-ўқитувчилари, умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари, аттестация ва малака ошириш курсларидаги устозлар, илмий институт ва бошқа таълим соҳаларида ўқийдиган, ишлайдиган фойдаланувчилар ўз билимларини синаб, имтихонларга инновацион равишда тайёргарлик кўриши мумкин бўлади. Кейинчалик бошқа фанлардан ҳам тест машғулотлари қўшилиши режалаштирилган (инглиз тили, ижтимоий фанлар). Тестлар базаси доимий

равишда Давлат таълим стандартига мос равишда янгиланиб турилади. Бу бўлимнинг асосий ютуқларидан бири бу- талаба тест машғулотларини ўзлаштириш учун анъанавий яъни *қоғоз-қалам* усулидан замонга мос, масофавий *интернет-технология* усулига ўтишидир.

- *"Muloqot Online"*- яна бир кластерга ёндошган, асосий бўлимлардан бири бўлиб, энг аввало "*ўқувчи-ўқитувчи-раҳбарият*" тамойили асосида хизмат кўрсатадиган бўлим ҳисобланади. Масофадан туриб раҳбарият умумий ўрта таълим тизимидаги камчиликлар ва ютуқлардан ҳабардор бўлиб туради. Камчиликларни устида ишлаш бизга самара берса, ютуқ ва ижодий фаолият кўрсатаётган умумий таълим мактаблари, бошқа ортда қолаётган макталбарга намуна сифатида кўрсатилади. Бу бўлим яна турли бўлимларга бўлинган бўлиб, унинг ичида худди ижтимоий тармоқдаги мулоқот дастурига ўхшаш равишда алоҳида ўқувчилар, талабалар, устоз-мураббийлар учун, вилоят раҳбарияти учун алоҳида гуруҳлар яратилади. Бу бўлимда инновацион равишда, сўровномалар ўтказиш имкони мавжуд бўлади.
- *"Dars jadvalim"* – бу бўлимда ўқувчи ўз мактаби, талаба эса ўз ОТМдаги дарс жадвалини онлайн равишда кўриб танишиш имконига эга бўлади. Бу бўлим ўмумий ўрта таълим мактаби раҳбарияти ёки ОТМ деканати томонидан тўлдирилади. Бу бўлимнинг асосий афзалликларидан бири- талаба доскага илинган дарс жадвалини излаш эмас, балки ўз планшетидан кўриш имкониятидир. Агарда дарс машғулоти ўзгартирилса(замена қилинса) фойдаланувчига смартфон автоматик тарзда огоҳлантириш беради. Бу бўлим хозирги "Сиртқи" йўналиш талабалари учун айни муддао бўлар эди. Сабаби, талабалар 5та бинода дарс ўтади ва уларни қайси бинода, қайси ўқув аудиториясида, қайси дарс машғулоти бўлишини огоҳлантириш, таълим муассасаси раҳбарияти учун мураккаб вазифага айланиб қолди. Бундан ташқари бу бўлимда уйга берилган вазифаларни қайд этиш имконини беради шу билан бирга оралиқ ва якуний назоратлар муддати ва натижалари эълон қилинади.
- *"Mening anketam"* – бўлими мактаб ўқувчиси ёки ОТМ талабаси ҳақидаги барча маълумотларни ўз ичига қамраб олади. Масалан: шахсий маълумотлари, турар жойи, фойдаланувчининг телефон рақами, шахсий *Klaster Mobile Indetifikatori* (кейнчалик *KM ID*), ўқишдаги ўзлаштириш кўрсаткичлари, қолаверса 4-босқич педагогика ОТМ талабаси турар жойга қараб, ўқитувчи етишмаётган қудудлардаги мактаб раҳбарияти ушбу талабани ишга чақириш имконини, агарда 1-3 босқич талабаси бўлса педагогик амалиётини ўташга амалий ёрдам ва келгусида ушбу талабани шу мактабда олиб қолиш имконини

беради. Ушбу инновацион усул, вилоят, туман миқиёсидаги, ўқитувчи этишмаётган худудларнинг реал мониторингини раҳбариятга намоён этади.

МУҲОКАМА

Ушбу мобил илова интернет орқали ишлайди, қолаверса асосий маълумот матн кўринишида бўлгани сабаб, фойдаланувчининг интернет-трафигини кам сарфлайди ва маълумотлар тез юкланиш имконини беради. Асосий (марказий) серверларнинг юкланишини олдини олади. Мобил иловада рўйхатдан ўтиш пулли ҳисобланади. Йиғилган маблағлар, мобил илованинг яратувчиси, мобил иловада мавжуд онлайн-тестларни, янги маълуотларни киритиш ва янгилаб турувчи оператор ишчиларга, ойлик маош сифатида, сервер вазифасини бажарувчи компьютерлар хизмати учун тўланади, қолгани ОТМнинг ва мактабнинг шахсий ҳисобига ўтказилади.

Бугунги кунда онлайн интернет-таълим бозори тенденциясини 2 гуруҳга бўлиш мумкин: очиқ таълим муассасалари ва мобил таълимли очиқ таълим ресурслари. Аслида, иккаласи ҳам таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, янада мослашувчан ва мослаштирилган таълим хизматларини кўрсатиш ва ўқувчини ўқишга жалб қилиш билан боғлиқ.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда ушбу мобил илова, кластерлашган инновацион усул ва воситаларни ишлатган ҳолда, таълим сифатини ва самарадорлигини ошириш, қолаверса вилоят, тумандаги ҳар бир мактабнинг реал кўринишдаги мониторингини, вилоят ва бошқарма таълим раҳбариятига кўрсатиб беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “Таълим кластери – инновацион ўқитиш усули сифатида” Раджабов Б.Ш. ТВЧДПИ 2018 й.
2. Akhmedov, B. A., & Khasanova, S. K. (2020). Public education system methods of distance in education in development of employees. *Journal of Innovations in Engineering Research and Technology*, *1*(1), 252-256.
3. Gafforova, G. G., Khaitmetov, R. K., & Madalimov, T. A. (2020). A STRATEGY OF ACTION AS A COMPLEX SYSTEM. *International Scientific Journal Theoretical & Applied Science*, *90*(10), 448-452.
4. Ахмедов, Б. А. (2020). Математические модели оценки характиристик качества и надежности программного обеспечения. *EURASIAN EDUCATION SCIENCE AND INNOVATION JOURNAL*, *3*(10), 97-100.

5. Гулбоев, Н. А., Дуйсенов, Н. Э., Ахмедов, Б. А., & Рахматова, Г. С. (2020). Модели систем управления электрическими сетями. *Молодой ученый*, *22*(312), 105-107.

REFERENCES

1. “Таълим кластери – инновацион ўқитиш усули сифатида” Раджабов Б.Ш. ТВЧДПИ 2018 й.
2. Akhmedov, B. A., & Khasanova, S. K. (2020). Public education system methods of distance in education in development of employees. *Journal of Innovations in Engineering Research and Technology*, *1*(1), 252-256.
3. Gafforova, G. G., Khaitmetov, R. K., & Madalimov, T. A. (2020). A STRATEGY OF ACTION AS A COMPLEX SYSTEM. *International Scientific Journal Theoretical & Applied Science*, *90*(10), 448-452.
4. Ахмедов, Б. А. (2020). Математические модели оценки характиристик качества и надежности программного обеспечения. *EURASIAN EDUCATION SCIENCE AND INNOVATION JOURNAL*, *3*(10), 97-100.
5. Гулбоев, Н. А., Дуйсенов, Н. Э., Ахмедов, Б. А., & Рахматова, Г. С. (2020). Модели систем управления электрическими сетями. *Молодой ученый*, *22*(312), 105-107.